

## ДАСТХАТ МАТНЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ш. Абдураззақова

II курс магистр, Фар ДУ

*Аннотация.* Мазкур мақолада дастхат матнининг тилнинг вербал воситалари орқали ифодаланилиши ҳамда уларнинг лексик-семантик хусусиятлари мисоллар орқали баён қилинган.

*Калит сўзлар:* лексик-семантик, дастхат, тил сатҳи, вербал, тил бирлиги.

Дастхат матнларининг чуқур тадқиқ этиш, унинг лексик, стилистик, семантик ҳамда структурал жиҳатдан ёндашиш демакдир. Дастхат матнида қўлланилган ҳар бир тил бирликнинг асл ва қўшимча маъно касб этиши, сўзларнинг (лексемаларнинг) бўёқдорлиги, дастхат матнининг қайси услубда ёзилганлиги ва қандай маъно касб этганлиги, турли тизимли тиллардаги дастхат матнларининг тузилиши жиҳатдан ўхшаш ёки фарқли жиҳатларини ишмизнинг ушбу бобида мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

Дастхат матнларининг лексик-семантик хусусиятларини кўриб чиқишдан аввал, тил бирликларининг лексик-семантик хусусиятлари ўз ичига қайси жиҳатларни олишини тўхталиб олсак.

Матн тил бирликлари орасида энг катта бирлик ҳисобланади, матнни тил сатҳидаги энг катта бирлик сифатида ўрганар эканмиз, даставвал матнни ташкил этувчи тил бирилиги-сўз ҳақида тўхталиб ўтсак. Сўз тил бирликлари орасида энг фаол ҳамда зарурий ҳисобланади. Шу билан биргаликда сўз тилнинг мавҳум ва кўп маъноли бирлиги ҳамдир, шу ўринда айтиш жоизки терминлар сўз каби эмасдирлар. Мисол учун, *Ер сўзи сайёра, планета* тушунчасидан ташқари *ўрин, жой, сатҳ, тупроқ қатлами, томорқа* каби ўн бир маънода қўлланилади. Сўзнинг маъноси матн ичида фаоллашади. Бу каби жараён сўзнинг матн ичидаги лексик-семантик хусусиятларини кўрсатади.

Агар дастхат матнини таҳлил қилишни бошласак, беихтиёр Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ журналистика факультети «Оммавий алоқалар ва реклама» кафедраси катта ўқитувчиси, 2011 йилдан буён доценти, шу билан бир қаторда ЎзМУ ахборот хизмати раҳбари Тўлқин Эшбекнинг дастхат ҳақидаги фикрлари келади. “Дастхат деганлари китобнинг мукаддимасидек илк саҳифасига ёзилади. Китобга “кирган” бу битиклар албатта ўқилади, мағзи чақилади! Демак, бу имкониятдан унумли фойдаланиш лозим. Асарда айтиш имкони бўлмаган гапни лоақал дастхатда “қистириб” ўтса бўлади. Қанақа гап, дейсизми? Тилга чиқариш

мушкул бўлган дилдаги дардлар! Айтайлик, баъзи дўстларимнинг камчилик ва қусурларини юзига шартта-шартта айтишга журъат етишмайди. Бу ҳақда ҳеч қачон чурқ этмаслик, ҳақ гап ичимда кетиши ҳам армон-да”. Дастхат ҳақида келтирилган фикрга ўз фикримизни берадиган бўлсак, дастхат унчалик катта бўлмаган матндир, лекин биз бор фикрларимизни, ўйларимизни ва ҳаттоки ҳис-туйғуларимизни баён қилишимиз керак, бунда матндаги ҳар бир сўзнинг семантик хусусиятларига эътибор қаратишимиз даркор. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Тўлқин Эшбекнинг хамкасблари учун дастхатларини кўриб чиқсак,

*“Педагогика фанлари доктори Г. Ж! “Имловий, услубий хато ёзиш сиз учун жуда уятдир. Бирор йил мактаб партасида бошқатдан ўқишингизга тилакдошман!”* Адибнинг қаламига мансуб юқоридаги дастхатдаги фикрларга назар ташласак, матн икки содда гаплардан иборатдир, биринчи жумла профессор имлода ва услубда ҳеч қандай хатоларга йўл қўймайди каби ижобий фикр касб этса, матнинг иккинчи жумласи юқоридаги ижобий фикрни танқидий жиҳатдан ўзгарганини тақозо этади. Матндаги сўзнинг семантик хусусиятлари намоян жараённинг гувоҳи бўламиз.

Тўлқин Эшбекнинг қаламига мансуб ҳар қандай китоб, ўқувчи қўлига дастхатсиз бормади. Адиб дастхат ҳақида яна шундай фикр беради: “Ҳақ гапни айтишнинг уддасидан чиқа олмасам, қўлга қалам тутишдан не маъни? Ниҳоят, йўли топилди! Янги китобимга бошлаб дастхат ёзиб бераман! Ҳар қандай китобни қўлига олган ўқувчи аввало дастхатга кўз югуртиради!” Адибнинг юқоридаги фикрига изоҳимиз шундай, демак бутун асарнинг мазмунидан кўра, муаллиф берган дастхат матнининг мазмуни эътиборни жалб қилади. Матндаги ҳар бир сўзни синчилаб, эътибор билан ўқийди. Матндаги ҳар бир сўзнинг асл, туб маъноларига эътибор қаратади. Тўлқин Эшбек : “Демак, дастхатни ўзига хос асардек, мунаққид таъбири билан айтганда – “оргинал” қилиб ёзсам муродимга етаман!” Адибнинг дастхат орқали инсонлар характерида мавжуд бўлган баъзи инсоний камчиликлар, нуқсонларни етказиб бериш, уларни фош этиш ва тарбия қилиш каби мавжуд бўлиб, адиб уларни “дастхатимдаги қалампирлар” дея ном берган: *“Газета бош муҳаррири Ў.С!*

*Оддий тиниш белгиларини қандоқ қўллашни ўрганиб оласиз, чунончи, муаллиф фамилиясидан кейин нуқта қўймайсиз, деган умид билан... ”*

Агар адибнинг дастхатига эътибор қаратадиган бўлсак, яъни матннинг ва матн ичидаги сўзларнинг лексик ҳамда семантик хусусиятларини очадиган бўлсак, нуқта қўймоқ сўз бирикмаси имлода гапнинг тугалланган мазмунига нисбатан қўлланилади, лекин ушбу сўз бирикмасининг семантик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, *бирор ишни батамом тўхтатиш* каби маънони касб этади.

Адибнинг юқоридаги дастхат матнидаги ушбу қўлланилган сўз бирикмаси албатта кўчма маънони касб этмоқда. Қуйида адибнинг бошқа дастхатларни келтирамиз ва уларнинг лексик-семантик хусусиятларига эътибор қаратамиз.

*“На олим, на журналист М.А!*

*Илмий тафаккурингизни олимлар ўртасига нифоқ солишга, устамонлик билан тагидан битта гишт олиб қўйиш ё тагига сув қуйишга сарфламайсиз, деган умид билан...”*

*“Газета бош муҳаррири Ж.А!*

*Ҳаминқадар нусхада чиқаятган газетангиз “Киоска”да саргайиб кетгач, ўзингизга қайтариб берилаётган экан, минглаб хонадонларга кириб бораётган хусусий наирларни “Кўча газеталари” деб пастга уришингиз зоят хатолигини англайсиз, билим ва савиянгизни биров оширасиз, деган умид билан...”*

*“Талаба қизим Г!*

*Мураббийлардан ақлли талаба нур, ақлсизлари кир қидиради. Сиз ҳам доимо нур қидиришингизга тилакдошман”.*

*“Талаба қизим А!*

*Озроқ қалам тебратиш қобилиятингизни имзосиз игво ёзишга бахшида этмаслигингизга тилакдошман”.*

*“Талаба дўстим К!*

*Бирор марта дарсга қатнашмасдан туриб юқори балл олишга уриниб, кимлигингизни кўрсатмайсиз, деган умид билан...”*

*“Талаба дўстим П!*

*Отага тик боқма, мақолига амал қилишингизни ва отадан улуг устозга манмансирамаслигингизга тилакдошман”.*

*“Талаба қизим О!*

*Қаерда сақич чайнаш, эснаш, ухлаш, қаерда гап сотиш ё бурун чуқалаш мумкинлигини фаросатлироқ қизлардан сўраб оласиз, деган умид билан...”*

*“Талаба дўстим Ш!*

*Энг ёвуз душманингиз – папирослигини билишингизга тилакдошман”.*

*“Ш.нинг дўсти Ч!*

*Бино ичида чекиб, заҳарли тутунга тўлдирмаслигингизга ва бу жирканчли балодан йироқ юришингизга тилакдошман”.*

“Талаба дўстим Б!

Бу даргоҳга адашиб кирганингизни билган бўлсангиз, вақт борида кўзни каттароқ очиб, муносиб йўлингизни топишингизга тилакдошман”.

Хулоса ўринида шуни айтиш жоизки, дастхат матннинг лексик сатҳини ташкил этиб, унинг семантик жиҳатдан бойитган тил бирликларининг туб ҳамда кўчма маънолари дастхат матнининг ўқувчиси учун қизиқарли жараён ҳисобланади. Унинг ҳар жиҳатдан таҳлил этилиши эса дастхат матнининг тадқиқига олиб келади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Б.Йўлдошев, «Матн тилшунослиги» фанидан маърузалар матни, ўзбек тилшунослиги кафедраси, ўзбек филологияси факультети, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд – 2012
2. Гаузенблас К. О характеристике и классификации речевых произведений // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978.
3. Гальперин И.Р. О понятии “текст”// Вопросы языкознания, 1974, № 6.
4. Харвег Р. Редуцированная речь // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978.
5. Майенова М.Р. Теория текста и традиционные проблемы поэтики // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978.
6. Пфютце М. Грамматика и лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978.
7. Барт Р. Лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск УШ. Лингвистика текста. – М.: «Прогресс», 1978.
8. Alisherovna, M. V. (2020). Comparative analysis of the English and Russian proverbs and sayings representating the concept " money". Проблемы современной науки и образования, (4-2 (149)), 43-45.
9. qizi Usmonova, U. H., & Mukhtorova, B. (2023). PAREMIOLOGICAL UNITS OF LANGUAGE. *GOLDEN BRAIN*, 1(1), 241-244.
10. Абдуразакова, Ш., & Мухторова, Б. (2023). ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕКСТА. *Scientific progress*, 4(1), 369-373.
11. Mukhtorova, B. (2023). THE LINGUISTIC AND CONCEPTUAL PICTURE OF THE WORLD. *Science and innovation*, 2(B1), 461-466.

12. Мухторова, Б. А. (2022, September). МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЛИСОНИЙ ҲАМДА МАНТИҚИЙ ТАДҚИҚИ. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE " THE TIME OF SCIENTIFIC PROGRESS"* (Vol. 1, No. 1, pp. 55-61).
13. Makhmudova, N. R. (2019). The use of multimedia learning tools in the English language. *Мировая наука*, (9), 44-48.
14. Abbasova, N. K. (2018). Using Effective Techniques Developing Learners' Critical Thinking in Teaching English Proverbs and Sayings. *Eastern European Scientific Journal*, (6).
15. Makhmudova, N. (2022). PRAGMATIC SIGNS OF ORNITHONYMS IN PROVERBS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(2), 88-91.
16. Makhmudova, N. (2021). BIRD NAMES REALLY MATTER: FEATURES OF ORNITHONYMES IN LANGUAGE. *Theoretical & Applied Science*, (5), 116-118.
17. Makhmudova, N. (2021). LEXICAL-SEMANTIC GROUP OF ORNITHONYMS IN LANGUAGE AND THEIR USE. *Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal*, 2021(5), 107-116.